

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР  
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**626** **Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида  
якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби  
тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
26 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2011-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 367-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 6-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 4 сентябрдаги 39/ҚҚ ва 27/ҚҚ-сонли қарори (рўйхат рақами 2011, 2009 йил 6 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 443-модда) билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг Ўрта махсус,  
касб-хунар таълими  
маркази директори**

**У. САЛИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 18 ноябрь,  
49/ҚҚ-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат тест маркази директори**

**Б. ИСМАИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 18 ноябрь,  
30-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази-  
нинг 2013 йил 18 ноябрдаги 49/ҚҚ ва  
30-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида якуний  
давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисида низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. ДАК раиси якуний аттестация бошланишидан камида икки ҳафта олдин бир йил (календарь йил) муддатга ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг (вазирлик ёки идоралар тасарруфидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари учун шу вазирлик ёки идора раҳбарининг), ДАК аъзолари эса, таълим муассасаси директорининг буйруғи билан тасдиқланади.»

2. 28-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

3. 29 ва 30-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасасининг белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқишнинг таълим дастурини бажарган, бироқ якуний аттестациясида иштирок этмаган ёки ундан ўтмаган 3-босқич ўқувчилари Педагогик кенгаш қарори асосида ДАК фаолият кўрсатаётган даврда 3 йил мобайнида якуний аттестацияни қайта топшириш ҳуқуқига эга.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 367-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ 3 йил мобайнида якуний аттестацияни топширмаган ўқувчилар 3-босқичда қайта ўқиш учун ариза беришлари мумкин.

3-босқичда қайта ўқиш учун ариза бермаган ўқувчига ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасасининг тўлиқ курсини тамомлаганлиги тўғрисида академик маълумотнома берилади. Мазкур маълумотномада семестр кесимида ўқув режасида белгиланган фанларга мос ўқув юклагани микдори

(соатда), ўқувчининг фанлар ва амалиётлардан тўплаган рейтинг баллари, якуний аттестация синовлари натижалари, ўқувчилар сафидан четлаштириш сабаби (буйруқ рақами ва санаси), шунингдек маълумотноманинг қайд этилган рақами ва берилган санаси кўрсатилиши ҳамда у таълим муассасаси директори томонидан тасдиқланиши лозим.».

4. Ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК билан келишилган.

*Соғлиқни сақлаш вазирли*

**А. АЛИМОВ**

*2013 йил 15 ноябрь*

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирли*

**А. ҲАИТОВ**

*2013 йил 15 ноябрь*

*Маданият ва спорт ишлари вазирли*

**М. ХОДЖИМАТОВ**

*2013 йил 15 ноябрь*

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари*

**Ш. ТЕШАЕВ**

*2013 йил 15 ноябрь*

*Ўзбекистон Бадий академия раиси*

**А. НУРИДИНОВ**

*2013 йил 15 ноябрь*

*Давлат солиқ қўмитаси раиси*

**Б. ПАРПИЕВ**

*2013 йил 15 ноябрь*

*«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК раиси*

**А. РАМАТОВ**

*2013 йил 15 ноябрь*